

## Шайтонни қувиш сабаблари



09:02 / 08.09.2021 3828

1. Уйдан қувиш: Бақара сурасини ўқиш орқали.
2. Уйқу олдидан: Оятал курсийни ўқиш орқали.
3. Ғазабланганда: Аллоҳдан қувилган шайтондан паноҳ сўраш- «аъзузу биллаҳи»ни ўқиш билан.
4. Ейиш ва ичиш вақтида: Тасмия - яъни, «бисмиллаҳ» айтиш орқали.
5. Бирон манзилга кирганда: Аллоҳнинг исмини зикр этиш билан.
6. Муошарат, ўз аҳлига яқинлик қилиш вақтида: «Бисмиллаҳи. Аллоҳумма! Жаннибнаш-шайтона ва жаннибиш-шайтона маа розақтана», маъноси, «Аллоҳнинг номи билан. Аллоҳим, биздан шайтонни четда қилгин, шайтонни бизни ризқлантирган нарсангдан четда қилгин» дуосини айтиш

билан.

7. Ёқимсиз туш кўрганда: Аллоҳдан истиъоза - шайтондан паноҳ сўраш билан.

8. Намозда васваса бўлганда: «Аъзу биллаҳи мин ханзаби» деб, сўнг чап томонига уч марта суфлаш билан.

9. Масжидга кирганда: «Аъзу биллаҳил ѓазийм ва биважҳиҳил карийм ва султониҳил қодийм минаш шайтонир рожийм. Алҳамду лиллаҳ, Аллоҳумма солли ва саллим ѓала Муҳаммадин ва ѓала али Муҳаммад.

Аллоҳуммағфирлий зунубий вафтаҳлий абваба роҳматик», дуосини айтиш билан.

**Маъноси:** Улуғ Аллоҳнинг карим сифатли юзи ва азалий султонлиги билан шайтондан паноҳ тилайман. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳим, Муҳаммадга ва у зотнинг оилаларига саловот ва саломлар ёғдир. Эй Раббим, гуноҳларимни кечир ва менга раҳматинг эшикларини очгин.

10. Қуръон тиловат қилганда: «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм» ёки «аъзу биллаҳис самиъул ѓалийми минаш шайтонир рожийми, мин ҳамзиҳи, ва нафҳиҳи, ва нафсиҳи» дуосини ўқиш орқали шайтонни қувилади.

**Манба: arabic.uz**